МУСТАҚИЛЛИК МЕВАЛАРИ

**Андижон шаҳрининг қоқ марказида кўнгурадор, маҳобатли яна бир иншоот қад ростламоқда. Мустақиллик байрами куни ишга туширилажак бу иншоот ижодкорлари ва яратувчилари уни истиқлолнинг бетакрор мўъжизаси сифатида асрлар оша халқимизга хизмат қилишини дилга жо этганлар.**





# ФАЙЗЛИ БОҒЛАР ТАРОВАТИ



Андижон номи тилга олинганда, кўпларнинг кўз ўнгида боғ ўртасида парвозга шайланиб, улкан қанотларини кенг ёйиб турган бургут ҳайкали намоён бўлади. У Бобур Мирзо, Нодирабегим авлодлари учун рамзий қиёфага айланган. Гўзаллик ва маҳорат, ақл ва заковат маҳсули бўлган «бургут» йиллар синовига бардош бера олмади. Тунука қанотлари емирилиб, аянчли ҳолга тушиб қолди. Биргина бу эмас, вилоятнинг бош маданият ва истироҳат боғи ҳисобланган Навоий номли оромгоҳнинг чор атрофи кўримсиз пастак деворлар, темир панжаралар билан ўралган, ичкаридаги фавворанинг ўзи бир қултум сувга зор эди.

Мустақиллик қайнар булоқлар кўзини очиб юборди. Ҳамма нарсанинг имкони бор экан. Давлатимиз энди оёққа туряпти, қўли калта, маблағ етишмайди, деган важ-корсонларга барҳам берилди. Шаҳар қурилиш, ободонлаштириш, хиёбону гулзорлар ташкил этиш майдонига айланди. Ҳокимият тепасида турганлар «Ҳар бир иншоот, бино, фаввора, ҳатто ихчамгина хиёбону ёритқичнинг ҳам ўз қиёфаси бўлсин» деган қатъий талабни қўйишди. Истиқлолнинг яратувчилик, янгиланиш, туб ўзгаришлар ясашга даъват этувчи ҳузурбахш шабадаси туфайли Андижонни тарк этаёзган гўзаллик, миллийлик, файзу тароват қайтиб келди.

Инсон қўли гул, деб бежиз айтмайдилар. Асрлар юзини кўрган боғ дарвозаси олиб ташланди. Ўрнида қулоч етмас устунларга Ғазалкент мармаридан либос кийдирилган нақшиндор дарвоза қурилмоқда. Унинг остидан ойнаванд шифтларга ўрнатилган ҳайратомуз ганчларга назар ташлагудай бўлсангиз, дўппингиз тушиб кетади. Дарвозанинг икки ёнидаги гулзорлардан иборат хиёбонлар, кўкка сапчиётган сув эпкинидан баҳра олдиргучи, ором бағишлагувчи фавворалар, оқшомлар борлиқни нурга чўмилтирувчи чироқлар шодаси кишилар чарчоғини ёзади, кўнгилларга ёруғлик солади. Хаёлингизни ўғирлайди.

Боғ ижодкорлари бу гал ерга асфальт ётқизишдек анъанадан воз кечдилар. Боғ ичкариси ҳамда хиёбонларга элтувчи йўлкалар, майдонларга Андижоннинг ўзида тайёрланган аъло сифатли қизғимтир ғишт териб чиқилди. Орасига қум сепилиб шиббаланди. Маҳаллий усталар уларни шундай жойладиларки, энди йўлканинг ўзида ҳам бири иккинчисини такрорламайдиган гўзал манзаралар ҳосил бўлди.

Йиллар мезон эмас. Қилинган ишлар, амалга ошаётган режалар дилларни қувонтиради. Оромгоҳга кираверишдаги арк, унинг миллий безаклари, кенг кўламдаги қурилишлар боғнинг иккинчи умри бошланишидан нишона. 161-қурилиш тресті ҳамда «Холис» фирмаси маблағи эвазига қад ростлаган икки минг кишига мўлжалланган ёзги эстрада саҳнаси, кўл атрофидаги меҳмонхона миллий нақшлар, қўли гул усталарнинг маҳорати билан жилоланиб турибди. Ундаги гўзалликни томоша қилишнинг ўзи хордиғингизни чиқаради. Унинг қаршисидаги суҳбатхонани айтинг. Андижон мебель фабрикасининг ишбилармонлари бутун маҳоратини ишга солишган. Ёғоч ўймакорлиги, мўйқалам усталари шарқона безакларни мужассам этган.

Боққа туташ футбол ўйингоҳини айтинг. Аввалари у хўжакўрсинга тиклангандек эди. Энди-чи? Бағрига 15-20 минг томошабинни сиғдира оладиган маскан Бобур номли Андижон ипгазлама ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳомийлигида гўзал ва мафтункор қилиб қайта тикланди.

Шаҳар ҳокимлиги вилоят ҳокимлигининг амалий ёрдамига таянган ҳолда маданий ишлар ривожи, маънавий камолот учун алоҳида эътибор қаратаётир. Ишбилармонлар, йирик фирмалар, «Андижон автойўл», «Андижон ёғмой» сингари ҳиссадорлик жамиятлари савоб иш учун жалб этилмоқда.

Юртбошимиз қайта ва қайта таъкидлаётганларидек, юртимизда яхши ном ва яхши ишларимиз қолишлиги учун ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилмоқда. Мустақиллик куни арафасида вилоят меҳнат аҳли ихтиёрига топширилиши кўзда тутилаётган маданият ва истироҳат боғи ана шу яхши ишларнинг бир бўлагидир.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


Эндиликда

SIEMENS
NIXDORF

шахсий компьютерларнинг тақдири нима бўлади?



**Улар аввалгидек шахсий компьютер бўлиб қоладилар!**

SIEMENS

Ўз мақсадига етиш, дунёдаги ахборот ва коммуникация техникалари (АКТ) етказиб берувчи энг йирик компания бўлиш учун – Siemens **1998 йил 1 октябрдан** бошлаб ўз ташкилотлари тизимини қайта кўриб чиқади. Бундай йўл тутишдан мақсад узоқни кўзлаган, дунёда шахсий компьютерларни ишлаб чиқариш бўйича учинчи ўринни эгаллаган Тайваннинг ACER компанияси билан иттифоқ ҳолда фаолият юритишдир. Шу билан бирга Siemens маҳсулотни режалаштириш, сотиш, маркетинг, сервис хизматларини сақлаб қолади, ACER эса Аугсбургда шахсий компьютерларни ишлаб чиқаришни ўз зиммасига олади. Шулардан келиб чиқиб, Siemens Nixdorfнинг мижозлари ўзларининг келажак ҳаётларини аввалгидек Siemens компанияси маҳсулотлари билан боғлашлари мумкин. Натижада Siemens ахборот ва коммуникация етказиб берувчи ягона энг йирик корхонага айланади.

**Қўшимча маълумотлар учун телефонлар:**
**132-03-14, 40-67-50,**
**ёки 133-48-99, 133-47-99**
**(“Хайтек” фирмаси Siemens Nixdorf компьютерларини сотиш бўйича ишончли ҳамкор)**

822



ОТА-ОНАЛАР, МАКТАБ ДИРЕКТОРЛАРИ, МУАЛЛИМЛАР ВА ЎҚУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

*«ЎЗБЕКСАВДО» акционерлик компанияси томонидан республиканинг барча шаҳар ва туманлари марказларида мактаб ўқувчилари учун*

МАКТАБ БОЗОРЛАРИ ВА ЯРМАРКАЛАР ОЧИЛДИ

*Республика бўйича 104 та бозор-ярмаркада, 170 та дўконда мактаб ўқувчилари учун дафтар, кундалик дафтар, ручка, қалам, портфель каби ўқув қуроллари, шунингдек, ўқувчилар формалари, жами 600 миллион сўмлик энг зарур моллар сотилмоқда.*

*Улар шаҳар ва туман марказларининг бош кўчаларида, майдонларида ва савдо расталарида жойлашган.*

*Тошкент шаҳрида эса 17 та мактаб бозори ва 22 та дўконда ўқувчилар учун керакли барча моллар билан савдо қилинмоқда.*

*Булардан ташқари, барча «Болалар моллари» дўконларида мактаб ўқувчилари учун кийим-кечаклар, пойафзал ва ўқув қуроллари сотилаётир.*

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН МАКТАБ БОЗОРЛАРИ, ЯРМАРКАЛАР, САВДО ДЎКОНЛАРИ

| Тартиб №: | Ҳудудий савдо-ишлаб чиқариш акционерлик компаниялари | Бозор ва ярмаркалар сони | Савдо дўконлари сони |
|---|---|---|---|
| 1. | “Қорақалпоқсавдо” | 7 | 12 |
| 2. | “Андижонсавдо” | 8 | 13 |
| 3. | “Бухоросавдо” | 7 | 13 |
| 4. | “Жиззахсавдо” | 5 | 8 |
| 5. | “Қашқадарёсавдо” | 7 | 12 |
| 6. | “Наманагансавдо” | 6 | 9 |
| 7. | “Навоийсавдо” | 3 | 3 |
| 8. | “Самарқандсавдо” | 11 | 17 |
| 9. | “Сирдарёсавдо” | 4 | 8 |
| 10. | “Сурхонсавдо” | 4 | 8 |
| 11. | “Тошвилоятсавдо” | 10 | 15 |
| 12. | “Фарғонасавдо” | 10 | 20 |
| 13. | “Хоразмсавдо” | 5 | 10 |

МАКТАБ БОЗОРЛАРИ ВА ЯРМАРКАЛАРГА МАРҲАМАТ!!



“ЎЗБЕКСАВДО” акционерлик компанияси.

AL-852



«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), А. Жабборов, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Пак (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, Л. Спиридонов, Р. Фарҳодий, И. Худоёров, И. Шоғуломов, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Хатлар бўлими 136-29-89, 133-07-48; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0249, 27714 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

© МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — Т. Абдураҳмонов.
Мусаҳҳиҳ — Ф. Усмонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 *Босишга топширилди: 23.05* 1 2 3 4 5 6